

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 24 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 38 (11.349)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий, Наманган, Тошкент ва Хоразм вилоятлари фаоллари йиғилишида 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган муҳим вазифалар ижроси батафсил муҳокама этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифалари белгилаб олинди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида ҳўжалик судларининг одил судловни амалга ошириш борасида олиб борган 2008 йилдаги фаолияти ҳамда 2009 йилдаги долзарб вазифаларига бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши ўтказилди.

● Гулистон шаҳрида «Мили Текстиль Гулистон» Ўзбекистон — Буюк Британия кўшма корхонаси иш бошлади. У ҳамкорларнинг 3,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармояси ҳисобига бунёд этилди. Корхонага Германия, Хитой давлатларининг энг замонавий технологик линиялари ўрнатилган бўлиб, бу йилга 2500 тонна юкори сифатли калава ип ишлаб чиқариш имконини беради.

● Навоий шаҳрида замонавий кўриниш касб этган деҳқон бозори фойдаланишга топширилди. «Навоий қурилиш-монтаж» корхонаси томонидан қисқа муддатларда қуриб битказилган, «Саховат» очик акциядорлик жамиятига қарашли ушбу бозорда 1300 дан зиёд савдо ўрни мавжуд бўлиб, бундан ташқари 34 та янги озик-овқат дўкони барпо этилди.

● «Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик» шиори остида ўтган йили барча туманларда ташкил этилган танлов натижаларига кўра Балиқчи тумани голиб деб топилди.

● Кегайли туманидаги «Халқобод» шаҳарчасида 17 турда қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги корхонанинг ишга туширилиши натижасида 25 киши иш билан таъминланди. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёналари компьютерлар ёрдамида бошқарилади.

ЖАҲОНДА

● АҚШ Президенти Барак Обама тўрт йил давомида давлат бюджетининг 1,3 триллион долларлик тақчиллигини икки баробар камайтиришга ваъда берди.

● Кега Украина муҳолифатидан 2 мингга яқин киши Киев шаҳрида намойиш ўтказиб, мамлакат Президенти В.Юшенкога нисбатан импичмент эълон қилишни талаб этди.

● Шри-Ланка маъмурилари «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» ҳаракати айирмачиларининг вақтинчалик ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги сўровларини қабул қилмади. Маъмурилар исёвчилардан биринчи бўлиб қуролларини топширишни талаб қилмоқдалар.

● Камчаткада балиқчи қайта ишлаш кичик корхонасида қор кўчиши натижасида битта ишчи ҳаётдан кўз юмди.

● Камбоджада қизил кхмерларнинг йўлбошчиси бўлган Канг Кек Леу устидан суд жараёни бошланди. 66 ёшли Леу коммунистик диктатура даврида S-21 махфий қамқонанинг раҳбари бўлиб ишлаган ва унга ҳарбий ҳамда инсониятга қарши жиноятлар содир этганлик айбловлари қўйилган.

● Мексикада мамлакатдаги, баъзи маълумотлар бўйича эса дунёдаги йирик нефть кони топилган бўлиб, унинг заҳиралари 139 миллиард баррел миқдорида эканлиги айтилмоқда.

● Адан кўрфазиди Грециянинг Словенияга кўмир элтиб бораётган юк кемаси Сомали қароқчилари томонидан кўлга олинди.

● Германия Афғонистондаги ҳарбийлар сонини оширишни кўзда тутмоқда. Маълумотларга қараганда, Германия ушбу мамлакатга яна олти юз нафар аскар жўнатмоқчи. Уларнинг жорий йил кузида Афғонистонда ўтказишни режалаштирилаётган президентлик сайловларининг ташкилий томонларига кўмаклашишлари кўзда тутилган.

● Австралияда давом этаётган ўрмон ёнғинларида ҳалок бўлганлар сони 210 нафарга етди.

● Тула вилоятидаги «Дон» федерал автотомобил йўлининг 267- километрида Россиянинг охириги ўн йиллик тарихидаги энг йирик талончилик содир этилди. Еттига жиноятчи 43 миллион рублдан кўпроқ пул олиб кетаётган, дярли ҳеч қандай қўриқсиз инкассаторлар машинасига ҳужум қилиб, барча пулларни тортиб олишди. Дастлабки таҳминларга кўра, инкассаторларнинг жиноятчилар билан тил бириктирилганлиги айтилмоқда.

● Миср пойтахти Кохира шаҳридаги сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган Хан-эль-Халили туманида содир этилган портлаш оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмди, 22 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Полиция томонидан яқин атрофда портлашга тайёрлаб қўйилган иккинчи кўглола мослама топилиб, зарарсизлантирилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Ташки иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигида япониялик мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбир реабилитация марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига бағишланди.

● **АБУ** Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетиде «Юксак маънавият — энгилмас куч» мавзуда ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

● **«ТУРОН»** ахборот кутубхона марказида адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қахрамони Озод Шарафиддинов хотирасига бағишланган адабий кеча китобхонлар, ёзувчи, шоирлар, адабиётшунос олимлар иштирокида бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида санъаткорлар, ёзувчи, шоирлар иштирокида уюштирилган мусиқий-бадий кеча «Назм ва наво» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** темир йўл муҳандислари институтида «Гиевандлик — аср вабоси» мавзуда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, руҳшунослар иштирок этишди.

● **ШАҲРИМИЗДА** Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан аёлларнинг жамият таракқиётидаги ролини оширишга қаратилган форум ташкил этилди.

● **«ЖАР»** спорт-соғломлаштириш мажмуасида 8-18 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ-до бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ахборот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ёш олимларнинг илмий ишлар тўплами танлови «Инсон ҳуқуқлари — ҳамма учун» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗДА 1996 ЙИЛДАН БУЁН АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

СОВРИНИ УЧУН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛИБ, УНДА БУГУНГИ КУНДА ЎЗ ЮТУҚЛАРИ БИЛАН МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР, ҲУНАРМАНДЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ИШТИРОК ЭТИШМОҚДА. ЭНГ МУҲИМИ ЭСА МАЗКУР ТАДБИР КЎПЛАБ ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ ЭЛ-ЮРТГА ТАНИТМОҚДА, ФАОЛИЯТЛАРИ РАВНАҚ ТОПИШИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

«Ташаббус — 2009»



МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Яқин кунларда навбатдаги «Ташаббус — 2009» кўрик-танлови бошланади. Кўрик-танловнинг ташкилий кўмитаси вазирлик ва идоралар, йирик саноат корхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат. Аньанага кўра мазкур муҳим тадбирнинг асосий ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳисобланиб, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш Давлат кўмитаси, Фермер хўжаликлари ва «Хунарманд» уюшмалари билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Президентимиз ташаббусига кўра ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танлов тадбиркор, хунарманд ва фермерларни рағбатлантириш, уларнинг илғор тажрибаларини омма-лаштириб, ютуқларини кўрсатиш, мулкдорлар синфини шакллантириш, соҳа ходимларининг билим ҳамда касб маҳоратларини оширишга қаратилган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида танлов голиблари муносиб рағбатлар олишди. Ал-

батта, бундай рағбатлантиришлар уларни янада изланишга, эл-юрт фаровонлигига, иқтисодийтимиз равнақига му-



носиб ҳисса қўшишга ундагани, шубҳасиз.

Айтиш жоизки, кўрик-танловнинг нуфузи йил сайин ошиб, иштирокчилар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Айниқса, улар орасида хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳам кўпайиб бораётганлиги қувонарли

ҳолдир. Янги номлар, янги гоёлар, такрорланмас кўргазмалар, рақобатбардош маҳсулотлар иштироки ва томошабинларни ҳам мамнун этмоқда.

Жорий йилда «Ташаббус — 2009» кўрик-танлови голиблари — қатнашчининг фаолияти ва эришган ютуқларини объектив ҳамда кенг кўламли баҳолаш имконини берадиган, давр талабидан келиб чиққан ҳолда киритилган янги мезонлар бўйича аниқланади. Кўрик-танловда йил якунларига кўра юкори кўрсаткичларга эришган ва тадбиркорликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган тадбиркор, фермер ва хунармандлар иштирок этади.

«Ташаббус — 2009» қатнашчилари учта асосий — «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери», «Йилнинг энг яхши хунарманди» ва «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг ёш хунарманди», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Йилнинг энг мурувватли тадбиркори» деб номланган қўшимча номинациялар бўйича беллашдилар.

(Давоми 3-бетда).

«ИЛ-114-100» ПАРВОЗДА

«O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ПАРКИ УЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЯНГИ РУСУМДАГИ ЯНА БИТТА «ИЛ-114-100» САМОЛЁТИ БИЛАН ТЎЛДИРИЛДИ.

Ҳаво кемасини тантанали топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, «O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси, «В.П.Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти вакиллари иштирок этди.

«O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда фуқаро авиацияси, шу жумладан авиация саноатини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан авиасозлар ва авиаташувчилар ишлари ҳамда эҳтиёжларига қаратилаётган доимий эътибор ва гамҳўрлик тўғрисида мазкур соҳаларда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ҳамкорликда рўйбга чиқарилган мазкур муваффақиятли лойиҳа ҳам бунинг далилидир.

Авиакомпаниямиз паркига учинчи бўлиб қўшилган ушбу янги авиалайнер республикамизнинг ички йўналишлари ва МДХ мамлакатларига мунтазам парвозларни амалга оширади. Самолёт замонавий авиация ташкил бозорининг барча талаблари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилган бўлиб, қулай учиб-техник ва тежамкорлик хусусиятлари билан ажралиб туради.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖИЙ ОАВ:

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ БАРҚАРОР СУРЪАТАДА ЎСМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси хорижий мамлакатлар расмий, ишбилармон, эксперт доиралари, оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш билан қарши олинди.

Кўплаб хорижий оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз раҳбари маърузасидан кўчирма-лар келтирган ҳолда, мазкур ҳужжатда Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги аҳоли ва ривожланиш истиқболлари чўқур таҳлил қилинганига эътибор қаратади.

Британиянинг «Рейтер» ахборот агентлиги «Ўзбекистон иқтисодиёти 2008 йилда 9 фоизга ўсди» сарлавхали мақолани эълон қилди. Эътиборлиси, мазкур мақола нуфузли молиявий-иқтисодий тизимлар — «Forbes», Лондон фонд биржаси, «London South East» агентлиги ахборот хизматлари томонидан ҳам тарқатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил 13 февраль куни ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини шарҳлаб, «Рейтер» мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий баҳо бериб, 2008 йил якунлари бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичларни келтириб ўтган. Шунингдек, Британия ахборот агентлиги мамлакатимизда жохон молиявий инфирозининг салбий таъсирини камайтириш

бўйича қабул қилинаётган чоралар тадбирларини ҳам алоҳида таъкидлаган.

«Давлат бюджети профицит билан бажарилди, инфляция даражаси прогност қилинган кўрсаткичлардан ошмади. Ялли ички маҳсулот ҳажми ЕТБ прогнозалари даражасида бўлди, — деб ёзади агентлик.

«Жаҳон молиявий инфирозининг салбий таъсирини камайтириш учун мамлакатда махсус дастурлар амалга оширилиб, улар иқтисодиётнинг таянч тармоқларини кўллаб-қувватлаш, банкларнинг капиталлашувини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфиративизмни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратишга йўналтирилган», — дейилади «Рейтер» агентлиги хабариде. Халқаро валюта жамғармасининг ўтган йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган миссияси якунлари ҳулосасига таяниб, «Рейтер» мамлакатда амалга оширилаётган оқилона пул сиёсати ва босқичма-босқич тарзда ҳаётда татбиқ этилаётган тузилмавий ислохотлар ўзини оқлаганига эътибор қаратади.

Хитойнинг «Жэньминь Жибао» ҳамда «Lookwe» нашрла-

ри «2008 йилда Ўзбекистонда ялли ички маҳсулот сезиларли даражада ўсди» ва «Ўзбекистоннинг Инкирозга қарши чоралар дастури ўз самарасини намойиш этмоқда» сарлавхали мақолаларни эълон қилди.

«Жэньминь Жибао»да таъкидланишича, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурининг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсиш ва макроиктисодий барқарорликнинг юкори, барқарор ва мутаносиблашган суръати сақланиб, иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш, уни диверсификация ва модернизациялаш, аҳоли бандлигини ошириш ва фаровонлигини юксалтириш борасидаги узоқ муддатли вазифаларни ҳал қилиш ишиде ижобий силжешларга эришилмоқда.

Хитой нашри Ўзбекистонда банк-молия тизими фаол ривожланаётгани ва мустаҳкамланаётганига эътибор қаратган ҳолда, банкларнинг жами капитали 2007 йил билан таққослаганда 40 фоизга ўсганини таъкидлайди. Аҳолининг банклардаги омонат пуллари ҳажми бир йилда 65,3 фоизга ошгани одамларнинг банк тизи-

(Давоми 2-бетда).

(Давоми.Боши 1-бетда).

Шу билан бирга 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларнинг 6-8 фоиздан оширмаслик ва бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаш механизми ишлаб чиқилган.

Қирғизистон «Кабар» агентлиги ўз хабарига жумладан Президентнинг қуйидаги сўзларини келтирди: «Юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик. 2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натижада ўтган йили ўртача иш ҳақи миқдори 300 долларидан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди. Жорий 2009 йилни олдидан бўлса, ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида, шунга мос равишда ҳўжалик юртувчи субъектларда ҳам 1,4 баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7-9 фоиз даражасида сақлаб туриш мўлжалланмоқда.

Ташқи бозорда қонъюктуранинг ёмонлашуви қарамасдан, 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди, аниқ вақтда товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга орти. Натижада, ташқи савдо балансида ижобий сальдо ҳамми сезиларли даражада ўсди. Бу эса ишонли тўлов баланси ва иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Тошихару Никэй хажон ма-

лиявий ва иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнига юқори баҳо берибди.

Шу маънода, вазир Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётни босқичма-босқич ва прагматик тарзда ривожлантириш йўналиши муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлаб, бу — узок муддатли тараққиёт истиқболларининг самараси ҳамда Ўзбекистоннинг маҳаллий саноатни ривожлантириш ва республика экспорт стратегияси

ланишининг муҳим ютуқларидан бири — бу янги ишчи ўринларини яратиш ҳисобланади.

Т.Тоуранинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ишончли банк-молия тизимининг яратилиши эвазига инқироз муаммоси мамлакатни четлаб ўтди. Айтиш пайтда дунёнинг кўпгина мамлакатлари мазкур муаммони енгиб ўтиш учун қўшимча пул воситаларини йўналтиришга мажбур бўлмоқда.

Шу билан бирга, Т.Тоуранинг фикрига кўра, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти минтақадаги мушкул аҳволга тушиб қолган давлатларга ёрдам кўрсатиш имкони-

бўлган ёшлар ташкил этувчи Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 12 фоизнинг таълим соҳасига йўналтирилиши эса мамлакат ҳукуматининг оқилона сиёсатига яққол далил бўлиб хизмат қилади.

К.Фой, шунингдек, жорий йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши ҳамда дастурий тақдирларга ҳукумат ижтимоий йўналтирилган сиёсат юротаётганидан далolat бериб, аҳолининг ярми қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган мамлакат учун бу жуда муҳим эканини таъкидлади.

Берлин Халқаро Иқтисодиёт Академияси профессорси Ханс-Йоахим Кнауфнинг фикрига кўра, жаҳон молиявий инқирозининг муқаррар таъсирига қарамай, Ўзбекистон 2008 йилда эътиборли натижаларга эришди. Иқтисодиёт барқарор фаолият кўрсатиб, ўсишнинг ижобий кўрсаткичларини намоян этмоқда. Шу билан бирга экспортнинг ортиши ва ташқи савдо тузилмасининг кенгайиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ютуқлар узок муддатли истиқболни кўзлаган тузилмавий ислохотлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишга қаратилган чора-тадбирлар самарасидир. Бундан ташқари, мамлакатда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шароитлар ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида аниқ амалий ва истиқболли тадбирлар ва устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Модернизациялаш, рақобатбардошлик, энергиядан самарали фойдаланиш, миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, зарарига ишлаётган корхоналарни тугатиш, қичиқ ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларини ривожлантириш — буларнинг бари иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишига хизмат қилувчи омиллардир.

«Жаҳон» АА.

ХОРИЖИЙ ОАВ: ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ БАРҚАРОР СУРЪАТДА ЎСМОҚДА

асосларини яратишдан манфаатдор эканини намоян этишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида имзоланган сармоявий битимнинг муҳимлигини таъкидлаган ҳолда, Т.Никай мазкур ҳужжат Япониянинг тўғридан-тўғри инвестицияларини Ўзбекистонга жалб қилишнинг муҳим механизми бўлишига эътибор қаратди ва қулай инвестицион муҳит яратишга қаратилган мазкур савб-ҳаракатлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ишида муҳим аҳамият касб этишига ургу берди.

Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги фахрий консули Тошио Тоура жаҳон молиявий инқирозига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг юқори суръатларини намоян эштаётгани ва бу ҳолат ҳозирги кунда камдан-кам мамлакатларда учраётганини алоҳида таъкидлади. Т.Тоуранинг фикрича, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривож-

ни ҳам беради.

Франциядаги Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (ИТХТ) ҳузуридаги Тараққиёт маркази экспертлари — марказнинг нашр бўлими бошлиғи К. Фой ва директор маслаҳатчиси С. Йилмаз ўтган йилги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт яқунларига танқидий жиҳатдан, демократик рақобат тарзда ёндашилганга эътибор қаратди.

Экспертларнинг фикрича, 2008 йилда тизимли бозор ислохотларининг, тузилмавий ўзгаришларнинг давом эттирилгани муҳим аҳамият касб этиб, бу савб-ҳаракатлар, жумладан, мамлакат иқтисодиётига сармоя жалб қилиш учун қулай шароит яратувчи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш натижасидир. Саноат тармоғининг ривожланиши ҳукумат сиёсатининг самарали сиёсатидан далolatдир.

ИТХТ экспертлари Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо беришди. Аҳолининг 64 фоизини 30 ёшгача

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва иқтидорларини юзага чиқариш ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган «Камолот» ЁИХ БУГУНГИ КУНДА УЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАЪНОДА ҲАМ ИШОНЧИ, ҲАМ ТАЯНЧИГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ.

Танловлар

ШАҲАРЛАР ЖАВОҲИРИ

Харакатнинг жойлардаги бўлимлари томонидан ёшларни ягона мақсад сари бирлаштириш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялашга қаратилган бир қатор тадбирлар, кўрик-танловлар, ижодий учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда бўлса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати эртамиш эгалари бўлган ёшларнинг касб-хунар ва билим қўқилларини эгаллашларида ханот бўлмоқда.

«Камолот» ЁИХ нинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ҳам ўсиб келаётган ёш авлод камолоти, таълим-тарбияси йўлида амалга оширилаётган ишлар қўламага назар ташласак фикримиз исботини кўраимиз. Биргина мисолни келтирадиган бўлса, ҳаракат томонидан пойтахтимизнинг 2200 йиллигини кенг ишонлаш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, улар аниқ вақтда юқори савияда, уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Кунги кеча «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти томонидан «Шаҳарлар жавоҳири» шiori остида «Камолот зукколари» кўрик-танлови ўтказилди.

— Ушбу кўрик-танловни ўтказиш-

дан асосий мақсадимиз пойтахт ёшларининг маънавий баркамоллиги, интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил билим ва қўнимларини шакллантириш, ёшлар орасида ҳаракатнинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, уларни ягона мақсад сари бирлаштириш ҳамда соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, пойтахтимиз тарихи, бугунги ва эртасини яхши ўрганишларига қаратилган, — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши матбуот маркази ходими Нилуфар Каримхўжаева.

Кўрик-танловда ҳаракатнинг туман бўлимлари Етақчилар Кенгашида фаолият юротаётган етақчилар туртита шарт бўйича беллашдилар. Улар «Салом, биз келдик», «Билимлар салтанати», «Шунчаки биз», «Эпик экансиз» деб номланган бўлиб, иштирокчилар барча шартларни аълога бажариб хайъат аъзолари томонидан юқори баллар билан баҳоланди.

Кўрик-танловда Мировоб, С. Раҳимов, М.Улугбек ва Яқсарой туманлари финал босқичига чиқдилар. Ҳақдорлар қимматбах оҳидаси билан дипломлар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

Фармон ва ижро

ЗАМОНАВИЙ КУТУБХОНАЛАР ҲАҚ Қ ХИЗМАТИДА

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН РИВОЖЛАНИШ БОРАЁТГАН ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА АҲОЛИНИ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА МОС ЗАРУР АХБОРОТ ВА МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЭЪТИБЖАРИНИ ҚОНДИРИШ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЁТНИ КУЧАЙТИРИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАНДИР. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 20 ИЮНДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИНИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА АСОСАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АХБОРОТ-РЕСУРС ВА АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ БУ БОРАДА ФАОЛ ИШ ОЛИБ БОРАЁТИР.

Хозир мамлакатимизнинг барча ўқув муассасалари қошида замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган, катта ахборот-маълумот базасига эга ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ҳамда туман ва шаҳарларда 14 ахборот-кутубхона маркази (АКМ) фаолият кўрмоқда.

Марказимиз ахборот-кутубхоналар учун услубий кўмак беради ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасаруфидagi 14 АКМ фаолиятини мувофиқлаштириб боради, — дейди Республика ахборот-кутубхона маркази бош кутубхоначиси Дилором Қудратова. — Жаҳон андозаларига мос мазкур зиё масканлари қўлайлиги, хизмат кўрсатиш сифатининг юқорилиги боис улардан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мавжуд АКМларнинг умумий китоб захираси беш миллион нусхага яқин бўлиб, фойдаланувчилар сони 145 миң нафардан зиёдчи ташкил этади.

АКМ фаолиятини замонавий асосда такомиллаштириб бориш, фойдаланувчилар учун хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, маълумот олишининг ҳар томонлама қулай усулларини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, китоб фондларининг электрон ресурсларини яратиш, кутубхона ишида автоматлаштирилган дастурларни кенг татбиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. АКМларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йили 14 АКМдаги 100 компьютер 150 қўшимча техника ва замонавий мосламалар билан таъминланди.

АКМдан фойдаланувчи зарур ахборот ёки маълумотни тез ва осон олиш имконига эга. Электрон каталоглар, адабиётларнинг электрон қўқилни фойдаланувчига яқин қўлайлик яратмоқда. Шунингдек, айрим АКМлар

матри кўрсатиш, балки тарихимиз, миллий қадриятларимиз, мамлакатимиздаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида кенг маълумот беришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Жумладан, Хоразм вилоятидаги АКМ қошида ўлкашунослик музейи ташкил этилган. Унда воҳодаги хунармандлар ижодидан намуналар, қадимий хунар турларига оид махсус қўлланмалар жамланган. Андижон вилоятидаги АКМда очилган музейда эса кутубхонанинг бир асрилик тарихига оид нобъ экспонатлар билан танишиш мумкин. Бухоро вилояти АКМнинг ҳуқуқий марказида «Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий мактаби» ташкил этилган. Ёшлар ўртасида алкогольизм, наркомания билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга оид турли тадбирлар ҳамда «ҳуқуқий ахборот кунлари»ни ташкил этиш кенг йўлга қўйилган.

Айни пайтда Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги АКМлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, услубий меъёрий базасини такомиллаштириш, муассасис ҳолида мамлакатимиздаги ахборот-ресурс марказини яратиш бўлиб кўрмоқда.

Бу каби қўлайликлар натижа-сида жорий йилга келиб, китобхоналар катнови қарийиб бир миллион беш юз миңга ташкил этилди. Маълумот манбалари билан фойдаланувчилар эса йил-йилга кўпайиб бормоқда. Бу каби ҳалқимизнинг ахборотга бўлган талаби ошиб бораётганидан далolatдир.

Ўзал САТТОВА, ЎЗА мухбири

Иқтисодиёт

МИЖОЗЛАР МАМНУН

ХАРИДОР ВА МИЖОЗНИНГ ТАЛАБИ АСОСИДА ҲАМДА УЛАРНИНГ ДИДИГА ЯРАША МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШГА, ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН ЖАМОАНИНГ ҲАМИША БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИ БЎЛАДИ. АЙНИҚСА, ЯНГИЛИК ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИДИР.

Пойтахтимиздаги «Азиза Сайфи қизи» хусусий корхонасида бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Корхона дизайнер-модельерлари бугунги давр билан ҳамнафас кадам ташлашга, янги-янги либослар моделларини яратишга интилади. Шу боис бўлса керак, корхона бугунги кунда ўз нуфузига ва доимий буюртмачиларига эга.

— Корхонамизга ташриф буюрган ҳар бир миҷознинг талабини ўрганган ҳолда хизмат кўрсатишга интилаемиз, — дейди корхона директори Азиза Фуломова. — Ҳар бир буюртмага — у ҳоҳ катта, ҳоҳ қичиқ бўлсин эътибор билан ёндашилади. Корхонамизга умид билан келган ҳар бир буюртмачига имкониятларимиздан келиб чиқиб хизмат кўрсатишни, ҳар қандай мураккаб ишни ҳам удаллашни мақсад қилганмиз. Шу боис ҳам цехларимизда малакали ходимлар жамланган.

Корхонада 70 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, уларга қулай иш ва яхши дам олиш шароитлари яратишга эътибор қаратилади. Кейинги йилларда цехлар ва миҷозларни қабул қилиш хоналари таъмирланиб, замонавий жиҳозланди. Шунингдек, корхонада ёш кадрлар тайёрлашга аҳамият берилмоқда. Бу борада шоғирдларга ўз хунарини мукамал эгаллаган устоз тикувчилар ёрдам беришмоқда.

Ўтган йилни муваффақиятли яқунлаган тадбиркорлар жорий йилда эзу ниятлар билан ишлашмоқда. Янги турдаги кўрам кийим-кечаклар яратиш устида иш олиб борилмоқда. Бу, албатта, харидор ва миҷозларни мамнун этади.

МАҲСУЛОТ ДИЗАЙНИГА ЭЪТИБОР

БОЗОР ТАЛАБИ, ХАРИДОР ДИД ВА ЭЪТИЁЖИ ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН БУГУНГИ КУНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАБИДА УНИНГ КЎРИНИШИ, ДИЗАЙНИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Бу, шубҳасиз маҳсулот харидорлигини оширади, буюртмаларнинг кўпайишини таъминлайди. Бу борада эса тадбиркорлик билан маркетинг ишларини жадаллаштириш, янгиликлар йўлида изланиш, ҳамкорлар билан алоқани мустаҳкамлаш лозим бўлади. «Тинос» масъулияти чекланган жамиятида бу борадаги ишлар самараси яққол кўринмоқда. Маҳсулот дизайнининг юқори даражада бўлиши, шунинг борабарига сифат ҳамда замонавийлигининг таъминланиши, янги-янги мебель турларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ривожланишида муҳим омил бўлаётганини корхона мутасаддилари алоҳида таъкидлашмоқда. Шунингдек, кўрик-танлов, турли ярмарка ва савдо кўрсаткичларидаги маҳсулотлар намойиши фойдали шартномалар имзолашда, буюртмачиларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этапти.

Корхонада меҳнат қилаётган малакали кадрлар сафи йилдан йилга ортиб, бугунги кунда 30 нафарга етди. Улар цехларга ўрнатилган замон талабларига мос технологик линиялар, ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари қувватини самарали фойдаланишмоқда. Бу эса сифат ва самарадорликка кўринмоқда.

Тадбиркорларнинг асосий йўналиши керакли қурилиш ширкати — эшиклар тайёрлашдир. Хозирда бундай эшикларнинг тури 30 хилни ташкил этиб, ҳар бири ўзига ҳосидир ва харидорнинг танлаш имконияти кенг. Ранг-баранг дизайндаги мазкур маҳсулотлар чиройли ва мустаҳкам бўлиб хона кўрамлигини янада оширади. Шунингдек, корхонада ошхонага мўлжалланган ҳамда болалар мебеллари ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Тадбиркорларнинг келгуси режалари хусусида тўхталиб шуни айтиш мумкинки, улар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, республикамиз вилоятларида ўз филиалларини очиб қаратишда. Бунинг учун эса ҳамкор давлат Туркиядан энг замонавий мебель тайёрлаш дастгоҳ ҳамда ускуналарни келтирилади. Энг муҳими эса улар ички бозорни импорт ўрнини босувчи сифати, бирмунча арзон мебель маҳсулотлари билан таъминлашни кўзда тутишган.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВИЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ИЧКИ БОЗОРДА ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАЁТГАН ТОВАР ЎРНИНИ БОСАЁТГАНИ, СИФАТИ БИЛАН БЕМАЛОЛ РАҚОБАТЛАША ОЛИШИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚДИР.

Айниқса, кейинги йилларда ана шундай импорт ўрнини босувчи аёллар, эркеклар ва болаларнинг устки ҳамда ички кийим-кечаклари, мавсумбоп либослар ўз харидорини топмоқда. Ана шундай кийим-кечаклар ишлаб чиқараётган жамоалардан бири пойтахтимиздаги «Анталиа-текс» қичиқ корхонаси бўлиб, унинг цехлари хорижий тўқув ҳамда тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Малакали кадрларни тўплаган корхонада ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларининг сифати, турлари ортаётгани боис ҳам харидорлари кўпаймоқда. Ҳозирда мавсумбоп кийим турлари 30 хилдан ортиб кетди. Энг муҳими эса рақобатбардош товарлар маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, эркеклар учун ички иссиқ кийимлар, ўсмирларнинг қўйлак ва футболкалари, бошқа қўллаб замонавий моделдаги кийимлар бугун ўз харидорига эга бўлди.

Эндиликда тадбиркорлар корхонани кенгайтириш режасини тузишмоқда. Бу режани амалга ошириш учун эса янги цехларга ўрнатилган замонавий технологик линияларнинг хориждан келтирилиши режалаштириляпти.

Шарофат БАҲРОМОВА

TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI
AMOLOT

Фармон ва ижро

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

БУГУНГИ КУНДА ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ БЎЛГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОН, ТИББИЙ МАДАНИЯТИ ЮКСАК, ЮРТ РИВОЖИ ВА ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҲАР БИР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИНИНГ МАЗМУН — МОҲИЯТИНИ ТЎЛА ТУШУНАДИГАН, БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ АНГЛАБ ИШ ОЛИБ БОРАДИГАН ДАРАЖАДА ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА КАТТА САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Бу борада Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан ҳам олий ўқув юртли, касб-хунар коллежлари, мактаб ва маҳаллаларда режа асосида бир қатор тадбир, учрашув ва анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Мана шундай тадбирларнинг бири ақинда шахримиздаги «Наврўз» никоҳ уйида бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги ходимлари, Тошкент шаҳар

ҳокимлиги вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Педиатрия-тиббий институти қошидаги Юнусобод академик лицей ўқувчи ва ўқитувчилари иштирок эттиди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиев ўтган



Танловлар

«ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ОЛИМПИАДА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН, ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА КУНИ КЕЧА 1-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА «ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ОЛИМПИАДА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА «АЖДОДЛАР МЕРОСИ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОСКИЧИ ЎТКАЗИЛДИ.

Ушбу танловни ўтказишда ёшлар қалби ва онгида «Биз ҳеч қимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам», деган маънада туйғунли шакллантириш, ўзбек халқининг бебаҳо маънавий меросидан ёшларимизнинг мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлиши, ота-боболаримизнинг эзгу ғояларини ёш авлод қалбига синдириш ва Ватанимиз тарихини чуқур ўрганишларига қўмаклашиш каби хайрли мақсадлар қўзғалди.

Танловда пойтахтимизда жойлашган 37 та академик лицей ва 79 та касб-хунар коллежлари (жами 116 та) талабалари иштирок этдилар. Туман bosкичида фойиб бўлган 11 та жамоа иштирокчилари шаҳар bosкичида ўзаро беллашди.

«Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловида иштирокчилар ўзларининг билимларини синаб кўрдилар. Тарихга янада кўпроқ қизиқишлари ортиди. Дарвоқе, тарихни билмасдан келажакка йўл олиб бўлмайди. Сабабни шуки, бутун эртага тарих, эрта эса бугун учун келажакдир. Бунга ҳамма нарса узвий боғлиқдир. Яъни, республика ёшларини маънавий баркамол, мамла-

катимиз тарихини чуқур билладиган фарзандлар қилиб тарбиялаш, ўзбек давлатчилиги заминларини англаб етишларига қўмаклашиш, юртимиз тарихини ҳақиқий, холисона ўсиб келаятган ёш авлодга етказиш ва тарғиб қилишдан иборатдир.

Тадбирда Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Ш.Жавлонов ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгашидан М.Асомовлар сўз олиб ёшларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб ўтишди ва жамоаларга омад ҳамда зарфарлар тилашди.

Иштирокчилар тўртта шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

1.Тошкент тарихига саёҳат (иштирокчиларнинг она Ватан тарихи ва тарихий манбалар ҳақида билимлар савияси синалди).

2.Тарихий мавзудаги бадиий асарлардан қисқа театрлаштирилган кўринишларни ижро этиш.

3. «Сиз тарихни биласизми?» руқни остида ўқувчиларнинг тарихий дунёқа-



2008 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берад экан, жумладан шундай деди: Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 2 минг 110 та арıza ва шикоятлар кўриб чиқилди. Ушбу соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилот ва муассасаларга 675 та тақдирнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритилган. Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бағишланган 3573 га яқин турли хил ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шаръномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида адлия органларининг саъй-ҳаракатлари билан 10 миллиард сўмдан ортиқ даъво аризалари қаноатлантирилган.

Шу билан бирга тадбирда ки-

чик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида бошқа идоралар билан олиб борилган ҳамкорлик, «Ишонч телефони» фаолияти ва кўрилган чоралар юзасидан журналистларга батафсил маълумот берилди.

Фикр-мулоҳазаларга бой тарзда, қизгин савол-жавоблар билан ўтган ушбу анжуманда ҳар чоракда матбуот анжуманлари ўтказилиб турилиши, ҳуқуқий мавзуда ижод қилладиган журналистлар ҳамда адлия ва ушбу тизимга кирувчи муассасаларда ахборот хизмати учун масъул ходимларни соҳага ихтисослаштириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус ўқув курсларида ўқитиш каби тақлиф ва тавсиялар қабул қилинди.

Эътиборлиси, ушбу тадбирда ўтган Ёшлар йилида Адлия бошқармаси томонидан ўтказилган танловда муваффақиятли қатнашган

ва тарғибот йўналишида фаол иштирок этган Педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицей ўқувчилари рағбатлантирилиб, Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад ёшларнинг ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятни даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини янада тивожлантиришга қаратилган, — дейди биз билан сўхбатда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими Абдор Бердиев. — Токи ҳуқуқий-демократик давлат куриб йўлида изчил ислохотлар олиб борилаятган юртимизга муносиб авлоднинг тарбиялашга ҳисса қўшайлик.

Шаҳризода МУХСИМОВА СУРАТЛАРДА: «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар» мавзусида ўтказилган анжумандан лавҳалар.

Ниҳоят, Собир Раҳимов туманида жойлашган ЎзМУ қошидаги академик лицейнинг «Бунёдкор» жамоаси олий ўринни эгаллаб Республика финал bosкичида иштирок этишга йўлланмани қўлга киритди. 1-ўрин Шайхонтоҳур туманидаги ЖИДУ қошидаги академик лицейнинг «Шайхонтоҳур» жамоасига насиб этди. 2-ўринга Миробод туманидаги Темир йўл муҳандисларини тайёрлаш институти қошидаги академик лицейнинг «Буюк Турон» ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги Тошкент ахборот технологиялари коллежи жамоалари эга бўлдилар. 3-ўрини Ҳамза туманидаги Ҳамза қурилиш касб-хунар коллежининг «Нодирабегим», Сергели туманидаги Сергели политехника касб-хунар коллежининг «Байт-ул-ҳикма» ва Учтепа туманидаги ЎЗДЖТУ қошидаги академик лицейнинг «Аркон» жамоалари қўлга киритдилар.

Ҳолилар ташкилотчиларнинг қимматбахо эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Нилуфар КАРИМҲУЖАЕВА, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши матбуот хизмати ходими

Тадбирлар

ОИЛА — МУҚАДДАС

КУНИ КЕЧА ОИЛА МАРОСИМЛАРИ МАРКАЗИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН» ДОРИЛФУНУНИНИНГ НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шайхонтоҳур туманидаги бир қатор касб-хунар коллежлари ўқувчилари, туман ички ишлар, «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши, туман «Нуроний» ва «Маҳалла» жамоармаси ва марказ ходимлари иштирок этган «Маънавият — қалб қузғуси» деб номланган ушбу тадбирда асосий эътибор аср вабоси бўлган гийвандлик, терроризм каби иллатларнинг олдини олиш, шунингдек, трансмиллий жиноятлардан бири — одамлар савдосига қаратилди.

Барчага маълумки бугунги кунда юртимизда ушбу иллатларнинг олдини олиш, одам-фурушлар фаолиятига чек қўйиш мақсадида аниқ дастур асосида иш олиб борилмоқда. Турли тадбирлар, учрашув ва давра сўхбатлари ўтказилмоқда.

Тадбирда сўз олган ички ишлар идоралари ходимлари одам савдоси инсонларни ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиши, уюшган жиноятчиликка йўл очishi, ундан ҳам ёмон анди мустақил ҳаётга қадам қўяётган, айрим иродаси бўш ёшлар ушбу тузоққа тушиб қолиб умрларини ҳазон қилаётганлари ҳақида аниқ мисолларни келтириб ўтиб, ўз фикр-мулоҳазаларини

баён этдилар. Шунингдек, тадбирда сўз олган Оила маросимлари маркази раҳбари Уктамон Қодирова ва бошқалар ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш, уларни ўз ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда мажбуриятларини билишга ўргатиш қанчалой фойдали эканлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

— Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳар томонлама қомил ва маънавияти қучли бўлган инсон ҳеч қандай ҳолатда алданиб қолмайди, — деди тадбирда сўз олган Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайёхон Пулатова. — Шундай экан ёшларга жуда ёшлиқдан таълим-тарбия бериш, руҳан тетик, фаҳм-фаросатли қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг вазифамиз. Шундагина уларнинг турли нопок йўллarga кириб қолишдан, одамфурушлар қўлига тушиб афсус-надомат чекишларидан сақлаб қолган бўламыз. Уйлайманки, ўтказилган бундай тадбирларнинг фойдаси катта бўлади.

Мавжуда МАКСУДОВА, Оила маросимлари маркази ходими

«Ташаббус — 2009» МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Кўрик-танлов туман (шаҳар), ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ва республика bosкичларидан иборат бўлиб, туман bosкичи голиблари вилоят, вилоят bosкичи голиблари республика миқёсида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Пойтахтимизда ҳам ушбу тадбирга тайёргарлик ишлари уюшқоқликда олиб борилди. Ҳар бир туманда ўтказилган bosкич учун талабгорлардан энг саралари танлаб олинди.

— Республика Президентининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жорий йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омилли сифатида янада жадал ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолиши, кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳам ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи, «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг шаҳар bosкичи ташкилий қўмитаси раиси ўринбосари Шавкат Мирзаев. — Айтиш жоизки, аънамага айлана-б-бўри қолган мазкур тадбир ушбу мақсадга эришишда катта ёрдам беради. Айниқса, рақобат муҳитини яратишда танловнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Танловнинг туман bosкичларида 300 нафардан зиёд тадбиркор ва хунармандлар иштирок этиши, голиблар муносиб тақдирланди, биринчи ўрин соҳиблари пойтахт bosкичида беллашиб, «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлган голиблар мамлакатимиз миқёсидаги танлов bosкичида ўз билими ва иқтидорлари, изланишларини намойиш этади. Уларнинг голиблар қаторидан ўрин олиб, совриндор бўлишига, албатта умид қиламыз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг республика bosкичида пойтахтимизда муваффақиятли фаолият олиб бораётган «ASN» масъулияти чекланган жамияти директори Анвар Назиров «Энг яхши тадбиркор» номини қўлга киритиб, Президент сазовор бўлган. Танловда ўз ютуқларини намойиш этган ёш, иқтидорли хунармандимиз Дилдора Аvezова эса «Энг яхши ёш тадбиркор» номинацияси голиблигига эришган.

Яқин кунларда «Ташаббус — 2009» кўрик-танловлари яна янги голибларни саралайди, ташаббус кенг қулоқ ёздади. Голиблар эса, албатта, муносиб рағбатга, олқишга сазовор бўлишди. Бундай рағбатлар эса, шубҳасиз, уларни янги изланишларга, юксак муваффақиятларга чорлайди.

Шарифа ИЛЁSOVA СУРАТЛАРДА: шахримиз тадбиркорлари «Ташаббус — 2009»-да билим ва маҳоратини намойиш этишди.

ПЕДАГОГЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

ТОШКЕНТДА ПЕДАГОГИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ ГОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловга жорий йилда иштирок этиш мақсадида мактаб, коллеж, олий ўқув юртлири ўқитувчилари, таълим тизими ходимлари томонидан мингга яқин аризалар келиб тушган. Ҳар йили «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми жамоармаси томонидан юртимизнинг турли вилоятларида таълим берувчи 50 нафар устозларга Педагогик грантлар топширилади. Жорий йилда эса уларнинг барчаси пойтахтда ташкил этилган ўқув семинарда иштирок этиб, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлишди. Шунингдек, иштирокчилар ўқув машғулотлари давомида таълим тизимида интерфаол усулларнинг турли қай даражада эканлигини муҳокама қилишди. Бундан ташқари, энг долзарб лойиҳалар тақдимотида ўтказиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди. Таъкидлаш ўринлики, тақдим этилган лойиҳалар мавзулари, йўналишлари ва камаровининг ранг-баранглиги билан диққатга сазовордир.

— Мазкур муҳокама, мунозара вақтида шунга амин бўлдимки, замонавий таълим жараёнида кўпфирклилик жуда яхши натижа берад экан, — дейди Тошкент давлат юридик институти, маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Даврон Аҳмедов. — Мактаб, коллеж ва олий ўқув юртлирида ёшларга таълим беришда биринчи навбатда назарий билимлар катори амалий билимларни ҳам бериб бориш лозим. Компьютер, интернет, онлайн ва бошқа тизимлар орқали жаҳондаги айнан таълим тизимида ва барча соҳаларда бўлаётган янгиликларни қиёсий таҳлил қилиш асосида ёшларимизнинг эркин фикрлаш қобилиятларини камол топтириш ва шу асосида қўллаб-қувватлаш эгаларини кашф этиш мумкин.

Жорий йилдаги Педагогик грантлар дастури йўналишлари анча кенгайтирилди. Грантлар ўқув юртлири раҳбарлари, ректор ва проректорлар, факультет деканларига таълим тизимини янада ривожлантириш лойиҳалари учун ажратилди. Бундан ташқари, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртлири ўқитувчиларига диплом топширилиб, уларни ўқув йили давомида молиявий рағбатлантириш кўзда тутилган. Шунингдек, тадқиқотчилар, олий педагогик таркиб вакилларида илмий фаолият, амалий қўлланмалар ҳамда ўқув-методик адабиётлар яратиш учун бир марталик грантлар топширилди.

Педагогик грантлар дастури нафақат ушбу касб вакиллари рағбатлантириш, балки таълим соҳасидаги ютуқлар, ёшлар учун янги имкониятлар борасида ахборот алмашишуви ва мулоқоти фаоллаштиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

АВВАЛ ХАБАР БЕРИБ ЎТганимиздек, Шаҳримиздаги Барча Умумтаълим мактабларида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан «Фарзандим келажаги» деб номланган Катта маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Анжуманлар

ФАРЗАНДИМ КЕЛАЖАГИ

9-синф ўқувчиларининг ота-оналари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар вакиллари бевосита тақлиф этилган ушбу анжуманда энди ҳаёт оstonасига қадам ташлаётган ўсмирнинг тўғри касб танлаши, адашмаслиги, бўш вақтини оқилона тақсимлаши каби бир қатор масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар эшитилиб, керакли тавсиялар берилди.

Биз ҳам анжуманнинг мақсад-моҳиятини тўлиқроқ тушуниш мақсадида Шайхонтоҳур туманидаги 39-умумтаълим мактабига кириб келганимизда тадбир эндигина бошланган экан. Ота-оналар билан лиқ тўла залдан жой олиб Тошкент Қурилиш ва архитектура институти қошидаги Академик лицей ўқитувчиси Облоқул Қудратовнинг фикрларига қулоқ тутдик.

— Ёшлар келажакимиз, ишонган сунъат тоғимиз, — деди жумладан у. — Уларга тўғри йўлни кўрсатсак, ҳаётда адашмаслигига замин яратсак, иқтидор, истеъдод ва интилишига қараб касб танлашларига қўмаклашсак нур устига аъло нур бўлади. Бизнинг академик

лицейимизда ўқувчиларимизнинг пишк-пукта билим олишлари, келажакда олий ўқув юртига кириб ўқишлари учун барча шароитлар яратилган. Уларга сабоқ берувчи ўқитувчи-мураббийларнинг кўпчилигини профессор-ўқитувчилар ташкил этади. Жаҳон андозалари даражасида ўқув жиҳозлари, лабораториялар, компьютер, лингафон хоналарида, синфларда барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Фақат ота-оналарнинг бир нарсасига алоҳида эътибор қаратишларини хоҳлар эдикми, у ҳам бўлса болангизнинг илм олиш салоҳияти қандай, қайси касбга қизиқяпти, келажакда институт ёки университетга кириб ўқишни давом эттириш нияти борми? Ана шундан кейин ўқишга ёки касб-хунар ўрганишга йўллаш мумкин.

Шундан сўнг сўз олган У.Носир номли матбаа-ноширлик касб-хунар коллежи ўқитувчиси А.Омонов, Тошкент иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқитувчиси Р.Турсунов ва Яқкасарий энгил саноат касб-хунар коллежининг Аниқ фанлар кафедраси мудири, информатика фани ўқитув-

чиси Зарофат Умарбековалар ҳам ўқув муассасалари ва улардаги йўналишлар бўйича аниқ маълумот бериб, барчани касб-хунар коллежларида ўтказилаётган «Очик эшиклар» кунига тақлиф этдилар.

— Мактабимизда 736 нафар ўқувчи таълим олаётган бўлса улардан 92 нафари бу йил 9-синфни тугаллайдиган ёшлар, — дейди биз билан сўхбатда 39-умумтаълим мактабининг ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Дилором Зурфарова. — Ўқувчиларимизнинг пукта билим олишлари, ҳаётда ўз ўрниларини топиб кетишлари учун масъуллик ҳаммаша бизни ўз ишимизга чуқур ёндошишга ундаб туради.

— Шунинг учун ҳам мактаб раҳбаримиз Мавлуда Ишонхўжаева бошчилигида мактабимизни битириб кетган ёшларнинг ҳаёти билан яқиндан хабардор бўлиб, мониторинг олиб борамиз, — дейди сўхбатга қўшилган ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Ҳанифа Салимова. — Мана яқинда 9-синф ўқувчилари ўртасида сўровнома ўтказилди. Шунга қараб академик лицей, касб-хунар коллежларига ўқишга олиб борамиз. Мақсадимиз ёшларга пишк-пукта билим бериб, жисмонан бақувват ва соғлом авлодни вояга етказишдир.

Ҳар томонлама фойдали ва қизгин савол-жавоблар билан ўтган ушбу анжумандан йигилганлар катта таассурот билан қайтдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Спорт



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ХИКМАТЛАР

Ва лекин шам ясаб, ёндирсалар ул, Мунаввар айлағай атрофни буткул.

Агар халқ бирла бўлсанг, меҳрибон бўл, Тилингда берма эрк, ширин забон бўл.

Юраркан, бош эгиб юр йўлда ҳар дам, Оёғинг остига боқил дамодам.

Сенга халқ ўнта суфра ёзсалар, ҳай, Сабр қил, иштаҳангни этма карнай...

Сенинг ризқингни сенга бойламиш Ҳақ, Не боис баҳсу жанжал айламиш халқ?

Агар оқил эсанг, савдонни кўйгил, Бугунни ўйла сен, эртони кўйгил.

Бугун гар эртани ўйлаб, адосен, Бугунги нақди умрингдин жудосен.

Ема ғам, бу жаҳон беғамғусордир, Есанг ғам, даҳр аро ғамлар ҳазордир.

Чу нохушликда хуш бўлмоқ камолдир, Кўнгил хушликни топмоқ кўп маҳолдир.

Бировким Лайли исмин айтар эрди, Чу Махжун эс-хушига қайтар эрди.

Севишганлар аро бир ўзга ҳолдир, Уни шарҳ айламак бизга маҳолдир.

Агарчи жазм этар ошқини маъшук, Ўзини унга лойиқ кўрмас ошқ.

Олурсен гар жаҳонни сеҳр ила, ҳай, Наҳангдек бир асо келгай-да, ютгай.

Жаҳонда вокифинг бўлгач ҳама роз, Бўлурсен жумла оламга сарафроз.

Ки, бор мулки жаҳон қошинга келса, Не бўлгай гар ўлим бошинга келса?

Ҳазир бўл ҳар нафас, йўлдин адашма.

Агарчи ой таратгай ерга ёғду, Вале ер ўнгида ул бир қаро сув.

Бу ғамлар, бу қабоҳатлар ўзингдин, Бошинга келган офатлар ўзингдин.

Сен иста, истама этмоқни, инсон, Жаҳонни тарк этарсен тўлса паймон.

Ўзинг олам жаҳонсен, йўқки терси, Дилингар арш эрса, кўксинг унга курси.

Ёмонликдин пушаймон айласа қул, Яратгандан кўрар чун марҳамат ул.

Ўғил дедик, жоҳ гарчи ёмондир, Улуғлар мақбули ул, беомондир.

Киши бормики, андин юзни бурмиш? Йўлидин мансабу жоҳни супурмиш?

Ўшал Юсуф-да охир тарк этиб чоҳ, Баланг мансабга минди, бўлди подшо.

Жаҳонда бормикин бир одамизод Ки эрмиш ул ҳавойи жоҳдин озод?

Ақл бор одамийда, йўлни кўргай, Ҳамиша иззу жоҳ сорига юргай.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ГОЛИБЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ


ТОШКЕНТДА «МУАЙТАЙ ГИЁҲВАНДЛИККА ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ» ШИОРИ ОСТИДА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Республика Муайтай федерацияси томонидан ташкил этилган галдаги мусобақада қатнашчилар сони кўпчилигини ташкил этди. 1991-1992 йилларда тузилган ўсмир ёшлар ўртасида бош мукофотни қўлга киритганлар жорий йилнинг март ойида Таиландда ўтайдиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Муайтай бўйича жаҳон ареналарида бир неча йиллардан бери ўз мавқеига эга бўлган терма жамоа аъзоларининг жорий йилдаги халқаро мусобақаларда ҳам ўз ўринларини сақлаб қолиши учун астойдил ҳарakat қилишларига ишонч ва умид бор.

Мурасасиз ўтаётган баҳсларда ўсмирлар ўртасида 45 килограмм вазнда Лочин Нуралиев рақиб Фахриддин Эргашевни шунингдек, ушбу вазнда Гулом Ҳалимов Руслан Раҳмоновни соф галаба билан енгган бўлса, 57 килограммда қорақалпоғистонлик Жасур Душжанов Марказий харбий спорт клуби спортчиси Чингиз Фафуровни очколар ҳисобига мағлубиятга учратди.

Мусобақанинг тўртинчи куни эса ёшлар жамоаси аниқланади.



Мусобақалар



КАРАТЭЧИЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 327-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА АШИХАРА-КАРАТЭ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР КУБОГИ УЧУН МУСОБАҚАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Турнирда 20 килограммдан 70 килограммгача бўлган вазндаги каратэчилар беллашиб, ўзларининг иқтидор ва имкониятлари, билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Қатнашчиларнинг кизгин кўллаб-қувватлашлари ва мурасасиз жанглари билан ўтган кубок мусобақалари якунига кўра

Абдулло Тўхтамурадов, Ойбек Хайдаров, Шаҳзод Ўтқуров, Азамат Азимов, Хикматулла Фатхуллоев, Шухрат Ортиқов, Шаҳзод Чориев, Шербек Самадов, Абдулазиз Абдуҷабборов, Дилшод Ортиқов, Жамшид Набиевлар ўз вазн тоифалари бўйича биринчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Мусобақа сўнгида ҳар бир голиб ва совриндорга Тошкент шаҳар кубоги, Фахрий ёриқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўлмас НОРМАТОВ СУРАТЛАРДА: каратэ мусобақаларидан лавоҳалар. Ҳажимжон Солиқов олган суратлар.

ҲАР БИР БОЛАНING ЎЗИГА ХОС ИҚТИДОРИ, ҚОБИЛИЯТИ БЎЛАДИ. УЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН ЭСА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ЯРАТИШ АСОСИЙ ОМИЛЛАРДАН САНАЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА БУ ЙЎНАЛИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲСИНГА САЗОВОР. ЖУМЛАДАН, БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИМКОНИНИ БЕРАЁТИР.

ДОИМИЙ ЭЪТИБОР МЕВАСИ

Мусиканинг кучини сўз кудратига тенглаштириш мумкин. Зотан инсон кўнглида кечадиган бирон туйғу, армон ёки қувонч ҳисси йўқки уни сўз орқали ифода этиб бўлмас. Азалдан ижодаги, гўзалликка ошувта халқимиз санъатининг бу турини назорат идрок этади. Яхши кўнглининг қадрига етади. Ўзбек мусиқа аъёнларини жаҳон сахналарида муваффақиятли намойиш этаётган созандалар орасида иқтидорли ёшлар ҳам оз эмас.

Японияда ўтказилган "Ёш икромчилар халқаро фестивали"да мусиқий академик лицейи "Ўзбекистон Мансур

Қодиров ўзига хос икром услубини намойиш этди. — Мусиқа чегара билмайди. Миллий куйлар гижоқ, виоланчел, рубоб ва най каби чолғу асбобларида турлича куйланади, ўзига хос янграйди. — деди Мансур Қодиров. — Японияда хориклик санъат илосмандлари мендан европача асбобда ўзбек миллий куйларини икром этишимни сўрашди. Шунда мен ўзбек миллий куйларини виоланчелда икром этиб бердим. Ўзбекистонлик ёшларнинг фестивалдаги муваффақияти кўнчиқар мамлакат оммавий ахборот воситаларида ҳам эътибор этилди.

Мусиқий академик лицейининг яна бир тарбияланувчиси Жасур Ўткиров ҳам миллий чолғу асбоби чанг чалиш сирларини ўрганаётган бўлсада, жаҳон мусиқасида кечаётган тенденцияларни ҳам кузатиб боради. Фантазияга бой ёш созанда кўнглида гижоқ, най, доира, тамбур каби миллий чолғулардан жас оҳанглари чиқариш фикри туғилди ва етти кишилик ансамбль ўтган йили Япониядаги "Жас фестивали"да иштирок этди.

— Ўзбек чолғуларида жас оҳанги чалинмаган экан, — деди Жасур Ўткиров. — Биз шу пайтгача жас мусиқаси

ни икром этиб, ўзбек чолғуларини имкониятларини очиб беришга ҳарakat қилдик. Айна пайтда бутун республика бўйлаб мусиқа мактабларининг моддий техник базасини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар мазкур академик лицейини ҳам четлаб ўтмади. Лицей талабалари Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро танловда ҳам муваффақиятли иштирок этти. Бу ёш истеъдод эгаларининг яратилаётган шарт-шароитларга муносиб жавоби десак, мусобақа бўлмайди.

Мусобақаси, канат йўлининг юқори станциясига чиқиш мусобақаси, шахсий гуруҳ биринчилиги, бунда ҳар бир гуруҳда 4 нафардан иштирокчи катнашади. Бундан ташқари, "Тоғ қарнавали", "Мисс Экстрим" ва "Мистер Экстрим" конкурслари, турли спорт ва маданий тадбирлар бўлиб ўтди.

— Фестивалнинг якуний босқичи ҳар доимгидан-да кўтаринки руҳ-

мусобақаси, канат йўлининг юқори станциясига чиқиш мусобақаси, шахсий гуруҳ биринчилиги, бунда ҳар бир гуруҳда 4 нафардан иштирокчи катнашади. Бундан ташқари, "Тоғ қарнавали", "Мисс Экстрим" ва "Мистер Экстрим" конкурслари, турли спорт ва маданий тадбирлар бўлиб ўтди.

— Фестивалнинг якуний босқичи ҳар доимгидан-да кўтаринки руҳ-

«ЧИМЁН ЭКСТРИМ — 2009» ФЕСТИВАЛИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎСТОНЛИК ТУМАНИДАГИ «ЧИМЁН ОРОМҒОҲИ» СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 19-22 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ «ЧИМЁН ЭКСТРИМ — 2009» ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.

низм ва тоғга чиқиш Федерацияси, Экстримал ва тоғ туризми Федерацияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Соғлом авлод тарбиясида спортнинг ўрни беқиёс. Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ, спортчилар давлатимиз байроғини жаҳон ареналарида юқори кўтаришмоқда.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Чимён экстрим» фестивали ҳам ёшларни спортга жалб этиш, уларни соғлом турмуш-тарзи асосида тарбиялаш ҳамда тоғ чангиси, сноуборд, тоғли чўққига кўтарилиш

орзу қилардим. Мана бу йил илк бор катнашиб турибман. Шунга айтишим керакки, ушбу спорт турлари кишидан жисмонан бақувватлики, кучли иродани, энчилик ва чақонлики талаб қилар экан.

Тўрт кун давом этган байрам-фестивали доирасида тоғ чангиси бўйича Ўзбекистон Республикаси биринчилиги учун слаломчилар орасида — гигант ва махсус слалом чемпионати, сноуборд спорт тури бўйича Ўзбекистон кубоги, хаваскор чангичилар учун "Крутая лыжня" ҳамда сноубордчилар ўртасида "Бордер кросс" ва "Ски-кросс" мусобақалари, муз-кор техникалари бўйича "Снежный Барс"

да ўтмоқда, — деди Бўстонлик туман 6-мактаб интернати "Яшил олам" тўрағари раҳбари Пулат Сергеев. — Профессинал спортчилар билан бир қаторда хаваскор ёшларимиз ҳам ўз маҳоратларини синовдан ўтказибтгани диққатга сазовордир. Бизнинг мақсадимиз ёшлар ўртасида спортнинг экстрим турларини кенг тарғиб этиш ёрдамида уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраб, фойдала томонга йўналтиришдан иборат.

Фестиваль якунида голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

"Туркистон-пресс"

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Юнусобод туман 1-сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур.

- а) комиссия номига ариза, б) паспорт нусхаси, в) шахсий варақа (сўрсовнома), г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси, д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси, е) қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма, ж) нотариал ишга бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома, з) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 4512 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

256



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-106.

Бош муҳаррир

Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32